

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01-10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАИМЖОНОВ ЗАФАРБЕК ХАСАНБОЕВИЧ

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНТЕНСИВЛИК
КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Раимжонов Зафарбек Хасанбоевич

Француз ва ўзбек тилларида интенсивлик категориясининг
чоғиштирма тадқиқи 3

Раимжонов Зафарбек Хасанбоевич

Сопоставительное исследование категории интенсивности во
французском и узбекском языках 23

Raimjonov Zafarbek Khasanboyevich

Comparative study of the category of Intensity in French and Uzbek
languages 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01-10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАИМЖОНОВ ЗАФАРБЕК ХАСАНБОЕВИЧ

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНТЕНСИВЛИК
КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.2.PhD/Fil182 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (nuu.md.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ширинова Раима Ҳакимовна
филология фанлари доктори, профессор

Яқубов Жамолиддин Абдувалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21; (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Намунавий деканат, мажлислар зали. (2-қават)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (998) 246-08-62)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ш.О.Назирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.н., доцент

И.А.Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнги йилларда интенсивлик категорияси, унинг ўзига хос жиҳатлари, ушбу категория ифода воситаларининг тилда ва нутқда ифодаланиш хусусиятлари кўплаб тилшунос олимларнинг ишларида кўриб чиқилган бўлсада, мазкур категорияга оид жуда кўп масалалар ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ. Мазкур ҳолат тилдаги фундаментал категориялардан бири ҳисобланган интенсивлик категорияси хусусида тўлақонли, тизимли концепция яратишга тўсқинлик қилиб келмоқда. Тилдаги ўзига хос хусусиятга эга бўлган специфик ҳодиса сифатида интенсивлик категориясининг семантик, прагматик, лингвокультурологик, структуравий жиҳатларини ўрганилиши, мазкур категорияни тизимли равишда ёритилиши жаҳон тилшунослигидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида тилнинг турли сатҳларида интенсивлик семантикасини ифодаловчи тил бирликлари, хусусан сифат даражалари ҳамда интенсивлик даражалари ўртасидаги фарқлар, предикатив интенсивлик ҳамда унинг сифат ва миқдор хусусиятлари тадқиқ этилмаган, шунингдек интенсивликнинг семантик, прагматик, лингвокультурологик қирралари ўрганилмаган. Ушбу ҳолат интенсивлик категорияси тадқиқи жараёнида янгича ёндашувларни талаб этади. Жумладан, интенсивлик категорияси тадқиқида биринчидан, тадқиқот жараёнига барча тил сатҳлари бирликларини жалб этиш, иккинчидан интенсивликнинг майдон хусусиятига эга бўлган категория эканлигини инобатга олган ҳолда тадқиқот жараёнини турли лингвистик майдонлар, яъни лексик-грамматик, функционал-семантик майдон назариялари асосида олиб бориш, учинчидан унинг бошқа ёндош категориялар билан муносабатларини ўрганиш, тўртинчидан уни турли тизимли тилларда чоғиштириб тадқиқ этиш ушбу категориянинг моҳиятини тўла тушуниб етишда етакчи омил вазифасини ўтайди.

Республикамиз мустақилликка эришган кундан бошлаб, бутун дунё халқлари билан ҳар томонлама, эркин алоқаларнинг ўрнатилиши давр талабига айланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ давлат дастурида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш, инновация фаолиятини такомиллаштириш, тилшунослик ва таржимашунослик учун қўшимча имкониятлар яратилиши мазкур соҳада чуқур ва янгича изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда она тилимизни чет тиллар билан чоғиштириб ўрганиш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Интенсивлик категориясининг француз ва ўзбек тиллари доирасида тўла лингвистик тадқиқини топмагани ҳамда чоғиштириб ўрганилмагани ушбу мавзунини тадқиқ этиш заруратини белгилайди.

¹ Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. № 28 (6722)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чоғиштира тилшуносликнинг назарий асосларини яратиш, тадқиқотларда майдон назариясидан фойдаланиш, интенсивлик категориясининг структуравий-функционал қирраларини очиб бериш юзасидан жаҳон ҳамда ватанимиз тилшунослари муҳим илмий-назарий қарашларини илгари сурганлар. Жумладан, интенсивлик категорияси рус тили материали доирасида А.Н.Полянский, В.П.Мусиенко, В.В.Акуленко, Е.В.Бельская, И.В.Ревенко, Г.И.Радченко, И.А.Коккина, О.Н.Фортуна, З.И.Годизова, М.В. Бондаренколар томонидан тадқиқ этилган. Немис тили материалида И.И.Суцинский, К.Т.Рсалдинов, Г.Г.Галичлар тадқиқот олиб борган бўлсалар, инглиз тили материали доирасида интенсивликка бағишланган ишларда интенсивликнинг нутқда ифодаланиш қирралари, турли сатҳ бирликларининг кучайтирувчилар сифатида иштирок этишлари Э.Сепир, Д.Болинжер, Е.Н.Сергеева, К.М.Суворина, О.Ф.Шевченко, Е.И.Шейгал, И.Г.Беручашвили, И.И.Туранский, Е.Л.Шамсутдинова, О.Д.Харченко, А.И.Зияевлар томонидан тадқиқ этилган. Португал тили доирасида Т.Н.Григоренко, молдован тили доирасида М.Б.Ангерт, испан тили доирасида Н.В.Карповскаялар тадқиқот олиб борганлар. Француз тили материали доирасида интенсивликни ифодаловчи сифатлар Л.В.Воробьева томонидан, феъллар томонидан интенсивликнинг ифодаланиши М.Б.Мецлер ва Т.В. Штатскаялар томонидан, ҳозирги замон француз тилида интенсивлик категориясининг сифат тавсифи В.С.Неверова томонидан, предикатив интенсивликнинг кучсиз даражасини белгиловчи тил бирликларининг француз тилида ифодаланиш хусусиятлари Л.В.Шиловская томонидан, субстанция белгисининг миқдор ва сифат хусусиятлари Л.И.Илия томонидан, қиёс ва интенсивлик даражаси хусусиятлари В.Г.Гак томонидан, интенсивликни ифодаловчи тил бирликлари Ф.Брюно, Ш.Балли, Ж.Дамурет, Э.Пишонлар томонидан тадқиқ этилган. Чоғиштира планда италян ва француз тиллари доирасида А.В.Вайшнорас, француз ва румин тиллари доирасида З.М.Зубку томонидан, рус ва инглиз тилларида И.И.Убин, Д.И.Кваселевич,

А.Н.Трошкина, рус ва чуваш тиллари доирасида Г.П.Леонтьева, рус ва бошқирд тиллари доирасида Х.Н.Савичевалар томонидан тадқиқ этилган.²

Тилшуносликда интензивлик категориясини илмий-назарий таҳлил қилишда турли қарашлар мавжуд бўлиб, унинг тилшуносликда акс этиши даврлар ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб, янги илмий-назарий қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, К.Ромеронинг тадқиқоти шулар жумласидандир³.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзуси билан боғлиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз ва ўзбек тилларида интензивлик лексик-грамматик майдони ифода воситаларининг структуравий, структуравий-функционал жиҳатларини чоғиштириш асосида тиллараро изоморфик ва алломорфик жиҳатларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

«интензивлик», «лексик-грамматик майдон» назариялари ҳақида жаҳон тилшунослигида билдирилган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдирган ҳолда интензивлик категориясининг ишчи таърифини бериш;

² Балли Ш. Французская стилистика. - М.: Иностранная литература, 1961; Damurette J. & Pichon E. Des mots à la pensée. Essai de Grammaire de la langue française. - P.: 1911 – 1930; Brunot F. La pensée et la langue. P.: 1965; Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Морфология. М.: Высшая школа, 1986; Илия Л.И. Очерки по грамматике современного французского языка. М.: Высшая школа, 1970; Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. М.: Просвещения, 1969; Щур Г.С. Теория поля в лингвистике. М.: Наука, 1974; Воробьева Л.В. Средства выражения интенсивности признака, обозначенного именем прилагательным, в современном французском языке. Киев: 1968; Неверова В.С. Категория интенсивности качественной характеристики в современном французском языке. Н.Новгород: 1997; Мещер М.Б. Способы выражения интенсивности действия в современном французском языке (интенсификаторы глагола типа à grands coups). М.: 1974; Штатская Т.В. Интенсификация глагольного действия в современном французском языке. СПб: 1991; Bolinger D. Degree words. The Hague. Paris: 1972; Шевченко О.Ф. Именные сочетания-интенсификаторы качественного признака (на материале современного английского языка). Киев: 1978; Карповкая Н.В. Категория интенсивности атрибутивного признака в испанском языке. Воронеж: 1998; Беручашвили И.Г. Системные и речевые интенсификаторы в современном английском языке. Тбилиси: 1986; Суворина К.М. Интенсивы в современном английском языке. М.: 1976; Туранский И.И. Содержание и выражение интенсивности в английском языке. Н.Новгород: 1992; Убин И.И. Лексические средства выражения категории интенсивности в русском и английском языке. М.: 1974; Шейгал Е.И. Интенсивность как компонент семантики слова в современном английском языке. М.: 1981; Кокина И. А. Языковые средства выражения семантики интенсивности в произведениях А.П. Чехова о детях и для детей. Ростов-на-Дону: 2001; Бельская Е.В. Интенсивность как категория лексикологии (на материале говоров Среднего Приобья). Томск: 2001; Фортуна О.Н. Разноуровневые средства выражения интенсивности и негации и их стилистические функции в языке прозы А.П. Чехова (1890-1900-х гг.). Ростов-на-Дону: 2001; Харченко О.Д. Деинтенсификация оценочных конструкций в современном английском языке. Ярославль: 2002; Полянский А.Н. Категория интенсивности признака в русском языке. Л.: 1978; Зубку З.М. Структурно-семантические особенности адъективных конструкций, указывающих на степень интенсивности качества, в современном французском и румынском языках. М.: 1971; Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Тошкент: 1997; Жумабоева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуономия. Тошкент: Мумтоз сўз, 2017; Зияев А.И. Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг лингвокогнитив аспекти. Самарқанд: 2009.

³ Romero C. Pour une définition générale de l'intensité dans le langage. Travaux de linguistique. Bruxelles: Duculot, 2007.

интенсивлик категориясини турли лингвистик майдонларга тааллуқлик масаласини ўрганиш ҳамда ушбу категорияни лексик-грамматик майдон назарияси асосида тадқиқ этиш;

интенсивлик лексик-грамматик майдони ядро ва периферия бирликларини аниқлаш;

интенсивликнинг грамматик-семантик қирраларини ўрганиш;

интенсивлик категориясини турли тизимга мансуб француз ва ўзбек тиллари доирасида чоғиштириш.

Тадқиқотнинг объекти француз ва ўзбек тилларида ўз ифодасини топувчи интенсивлик лексик-грамматик майдони бирликларидан иборат.

Тадқиқот предметини интенсивлик лексик-грамматик майдонининг мутлақ ва нисбий микромайдонлари ҳамда унинг таркибий қисмлари ҳисобланган объектив ва аффектив майдончаларидан ўрин олган француз ва ўзбек тилларидаги тил бирликлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда оппозиция, трансформация, чоғиштирма ҳамда майдон назарияси методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интенсивлик категорияси француз ва ўзбек тилларида илк бор чоғиштириб тадқиқ этилиши жараёнида тиллараро асосий структуралардаги «равиш-кучайтирувчи + сифат + от» кўринишидаги синтактик бирикма мужассамлиги, ташқи интенсив тавсифнинг V.+Adv.+Adv. бирикмаси каби изоморфик ва транспозицион структуралардаги француз тилидаги субстанция интенсив тавсифи воситалари доирасида «от + предлог + от» предлогли бирикмаси, предикатив интенсив тавсифда равишлар билан бир қаторда уларга функционал жиҳатдан тенглашувчи бошқа сўз туркумларининг иштирок этиши каби алломорфик жиҳатлари очиб берилган;

француз ва ўзбек тилларидаги интенсивлик семантикасини ифодаловчи морфологик, лексик, синтактик, фразеологик, суперсинтактик сатҳлар бирликларининг интенсивлик лексик-грамматик майдонида жойлашган объектив ва аффектив микромайдонларининг ядро ва перифериясида сатҳлараро муносабатга кўра тартибли тақсимланиши ва жойлашиши аниқланган;

интенсивлик категориясини ифодаловчи (морфологик, лексик, синтактик, фразеологик, суперсинтактик сатҳлар) бирликларнинг тузилиши, уларнинг интенсивлик даража кўрсаткичларини белгилашда лексик-грамматик майдонда тутган ўрни, шунингдек ушбу бирликларнинг сатҳлараро муносабатлари каби структуравий-функционал жиҳатлари очиб берилган;

тиллар типологиясида ўзаро хослашув симметрик ва асимметрик, функционал монандлик, функционал инвариантлик, вариантлик ва инвариантлик, шунингдек француз ва ўзбек тилларидаги интенсивлик ифода воситаларининг нутқ вазиятларида танланиши ҳамда сараланиши каби жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

интенсивлик лексик-грамматик майдони ўз ичига горизонтал ва вертикал кесимларни олгани сабабли ҳар икки тилда ҳам горизонтал кесимда интенсивлик лексик-грамматик майдонининг зидланувчи, таққосланувчи бир қатор микромайдонлари жойлашган;

даставвал микромайдонлар мутлақ (абсолют) ва нисбий (релятив) кўринишларга ажратилган;

мутлақ микромайдонида ядрони интенсивлик даражасининг кучли, ўртача ҳамда кучсиз кўрсаткичлари ташкил этиши, нисбий интенсивликда эса ядрони сифатнинг қиёсий даражаси ташкил этиб, компаратив хусусият касб этиши ҳамда ташқи қиёс қолипи билан ажралиб туриши очиб берилган;

ўз навбатида мутлақ ва нисбий микромайдонлари объектив ва аффектив майдончаларга ажратилган. Улар ўртасидаги фарқ объектив миқдор ҳамда эмоционал экспрессивлик даражаси билан ўзаро тафовутлашиши далилланган;

вертикал кесим бўйича интенсив тавсиф семаларида тил бирликлари ажратилган. Улар чоғиштирилаётган тилларнинг ҳар бирида ўзига хос мажмуани ташкил этган. Жумладан, француз ва ўзбек тилларида морфемадан тортиб, то гапгача ифода бирликлари ажратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар оппозиция, трансформация, чоғиштирама, майдон назарияси методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интенсивлик категорияси ҳақидаги умумий назарияни бойитиши, келажакда ушбу мавзу юзасидан олиб бориладиган тадқиқотлар учун муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши, лексикология, стилистика, таржимашунослик, чоғиштирама тилшунослик соҳаларининг тадқиқот кўламини бойитганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот илмий натижаларининг амалий аҳамияти кўлга киритилган маълумотлар, материаллар қиёсий типология, назарий грамматика, стилистика, таржима назарияси ва амалиёти, матн лингвистикаси курсларини ўқитишда аҳамиятлилиги, майдон назарияси бўйича ўқиладиган махсус курсларда зарурий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интенсивлик категориясининг француз ва ўзбек тилларида морфологик, лексик, синтактик, фразеологик сатҳларнинг лисоний воситалари ёрдамида ифодаланиши ҳамда ушбу бирликларнинг интенсивлик лексик-грамматик майдонида жойлашиши каби хусусиятлари юзасидан олиб борилган тадқиқот натижаларидан ОТ-Ф8-057 рақамли «Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал

лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 мартдаги 89-03-973-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари майдон назарияси, лисоний ва нутқий ҳодисаларнинг ўзаро муносабати, тил ва тафаккур, умумлисоний принципларнинг фалсафий ва лисоний тавсифини беришда, шунингдек, тил бирликларини системавий тадқиқ қилиш метод ва методологиясини очиб беришда хизмат қилган;

диссертацияда ишлатилган француз тилидаги интенсивликни билдирувчи тил бирликлари Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ҳар йили ташкил этиладиган мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган «Талабалар ва ўқувчилар учун франкофон театр ва кўшиқ фестивали»ни ўтказиш сценарийсига киритилган, шунингдек, «Le Roi soleil» номли сахна кўринишида амалиётга татбиқ этилган. (Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг 2018 йил 17 сентябрдаги маълумотномаси). Саҳналаштирилган мазкур спектаклда француз тилида интенсивликни ифодаловчи «*quel ennui, si facilement, un main de fer, un bras de fer, être bien plus drôle, être bien triste, être bien sévère, la plus grande cour, Oh mes amis ! Quelle nuit !, Que diable !, Ne suis-je pas ici chez moi !*» каби тил бирликлари қўлланилган. Ушбу қўлланилган бирликлар саҳналаштирилган спектаклнинг таъсирчан бўлишига, томошабинларда спектаклга бўлган қизиқишни янада орттиришга хизмат қилган.

диссертация натижалари ва материалларидан, жумладан интенсивлик категорияси ифода воситаларининг нутқда қўлланиш жиҳатлари, француз ва ўзбек тилларидаги интенсивлик категорияси ифода воситаларининг грамматик-семантик жиҳатлари, тил бирликларини системавий тадқиқ қилиш методлари каби натижа ва материалларидан Андижон вилоят телерадиокомпаниясида эфирга узатилган «Адабий муҳит», «Ижод гулшани» кўрсатувлари сценарийсини тузишда фойдаланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 28 февралдаги 20-24/93-сон маълумотномаси). Фойдаланилган натижа ва материаллар эфирга узатилган телекўрсатувларнинг мазмун-моҳиятини бойитган ҳамда илмий далилларга бой бўлишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган илмий ҳамда бадий адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти, предмети, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, диссертация натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқотнинг илмий жамоатчилик эътиборидан ўтиши, тузилиши ва ҳажми баён қилинган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги замон тилшунослигида «интенсивлик» категорияси ва «майдон» тушунчасининг назарий талқин этилиши**» деб номланган биринчи бобда интенсивлик категорияси, лексик-грамматик майдонга доир назарий қарашлар баён қилинади. Жумладан, интенсивлик категориясига доир назарий қарашлар атрофлича ўрганиб чиқилиб, умумлаштирилган ҳамда ушбу фикрларга муносабат билдирилган.

Кўплаб тилшунос олимлар интенсивлик категориясини тадқиқ этган бўлишларига қарамай, улар томонидан интенсивликка берилган изоҳ ва таърифлар бир-биридан фарқ қилади.

Аксарият изланувчилар интенсивлик белгининг миқдорий хусусиятини ўзида акс эттирувчи кучайтиришни ифода этиш усули деган фикрни тўғри деб ҳисоблайдилар. Ушбу фикр О.Ф. Шевченконинг қуйидаги хулосасида тўла ўз аксини топади: «Интенсивлик категорияси деганда, белгининг намоён бўлиш даражаси, шунингдек мантиқий ифода этиш ва билдирилган фикрнинг муайян қисмларини кучайтирилиши орқали ўз ифодасини топиш моҳиятига эга бўлган семантик категория тушунилади».⁴

Интенсивликни бундай кенг миқёсда талқин этиш анъанаси ушбу атама орқали «миқдор, ҳажм, қиймат, куч ва бошқа категорияларга олиб борадиган барча фарқлар»ни тушунган Ш. Баллига бориб қадалади.⁵

Интенсивликни лексикологик категория сифатида талқин қилган Е.В.Бельская эса «Интенсивлик семантикаси бирор белгининг, жараённинг намоён бўлиш даражаси (кучи)нинг барча томонидан қабул қилинган «меъёрга» мос келмаслигини субъектив талқин қилишда кўринади», деб ёзади.⁶

Турли тизимли тилларда интенсивлик категориясининг номинатив жиҳатини тадқиқ қилган А.Н.Трошкина қуйидагича фикрни билдиради: «Интенсивлик мазмуни ономасиологик категория сифатида сифат тавсифини санок нуқтасига нисбатан қуриладиган шкала тарзида акс эттиради ҳамда даражаланишнинг энг кучсиз ҳолатидан энг кучли ҳолатигача бўлган барча босқичларини камраб олади».⁷

Кўринадики, юқорида интенсивлик категорияси ҳақидаги билдирилган фикрларда интенсивлик белгининг, сифатнинг, ҳолатнинг, иш-ҳаракатнинг

⁴ Шевченко О.Ф. Именные сочетания-интенсификаторы качественного признака (на материале современного английского языка). Дисс.канд. филол. наук / 10.02.04. Киев: 1978. - С.157

⁵ Балли Ш. Французская стилистика. М.: Иностранная литература, 1961. - С. 202-203

⁶ Бельская Е.В. Интенсивность как категория лексикологии (на материале говоров Среднего Приобья). Дисс. канд. филол. наук. Томск: 2001. - С. 48

⁷ Трошкина А.Н. Номинативный аспект категории интенсивности действия в разноструктурных языках (на материале русского и английского языков). Дисс. канд. филол. наук. Саратов: 2001. - С. 10.

миқдорийлиги ва уларнинг намоён бўлиш даражаси, меъёрийлиги, интенсивлик сифатини баҳолашнинг экспликативлик ўлчови, мулоқот мазмунининг кўрсаткичи сифатида баҳоланади.

Тилшуносликка оид адабиётларда интенсивлик категориясининг кенг ва тор маънода талқин этилишига дуч келишимиз мумкин. Тор маънода талқин этишда мазкур категориянинг таркиби фақатгина кучайтириш даражасини акс эттирадиган бирликлар билан чегараланганлигини гувоҳи бўламиз. Бундай муносабат ушбу категориянинг характерига умуман мос келмайди. Чунки «интенсивлик даражаланишга эга бўлган семантик категория сифатида бирор белгининг миқдорий тавсифини меъёрий ўлчовга нисбатан қуриладиган иккита кутб «+» ва «-»га эга бўлган шкала тарзида ифода этади. Демак, интенсивликда нафақат белгининг кучайиши, балки кучсизланиш ҳолати ҳам мавжуд бўлиши мумкин».⁸ Шу туфайли интенсивликни меъёрдан оз, меъёрдаги ҳамда меъёрдан ортиқ каби тушунчаларни ўз ичига олувчи тернар (уч элементли) тузилишдаги категория сифатида талқин қилиш тўғри бўлади. Ушбу ҳолат мазкур категория таркибига меъёрий даражага нисбатан камайишни, кучсизланишни белгиловчи тил бирликларини киритиш ҳамда интенсивликни кенг маънода талқин этиш имконини беради.

Биз ҳам интенсивликни кенг маънода талқин этиш тарафдорлари бўлган тилшуносларнинг фикрларига қўшилган ҳолда ўз диссертациямиз доирасида интенсивлик категориясига қуйидагича ишчи таърифни берамиз: «Интенсивлик категорияси субстанция ҳамда иш-ҳаракатнинг сифат кўрсаткичлари кўлами, ҳажми, миқдори каби хусусиятларининг меъёрий даражага нисбатан кучайишини ёки кучсизланишини объектив, шунингдек, аффектив тарзда белгиловчи ономасиологик категориядир».

Е.В. Гулыга ва Е.И. Шендельсининг⁹ грамматик-лексик майдон ҳақидаги назарий қарашларига асосланган ҳолда интенсивлик лексик-грамматик майдонининг қуйидаги тавсифини берамиз:

1. Интенсивлик лексик-грамматик майдонида интенсивликни ифодаловчи турли сатҳларга мансуб тил ифода воситалари мажмуаси ўзаро тизимлашган муносабатлар асосида боғланади. Майдон таркибига кирган тил бирликлари майдоннинг бирлигига айланади.

2. Интенсивлик лексик-грамматик майдони бирликларига хос бўлган умумий маъно мавжуд бўлади.

3. Интенсивлик лексик-грамматик майдонининг маъноси ягона бўлмай, камида иккига ажралади. Улар бир-бирига ўзаро таққосланиши ва бир-бирига нисбатан зидлашиши мумкин. Ушбу маъноларнинг ҳар қайсиси алоҳида микромайдонни ташкил этади.

4. Интенсивлик лексик-грамматик майдони мураккаб тузилишдан иборат бўлиб, уни горизонтал ва вертикал кесимлар кўринишида тасаввур этиш мумкин. Горизонтал кесимда мутлақ (абсолют) ва нисбий (релятив)

⁸ Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. М.: Наука, 1978. - С. 200

⁹ Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. М.: Просвещение, 1969.

микромайдонлар ажратилади. Ўз навбатида уларнинг ҳар қайсиси объектив ва аффектив майдончаларга ажралади. Вертикал кесимда ушбу микромайдонларни ифодаловчи тил бирликлари жойлашади.

Интенсивлик тилдаги махсус ифода воситалари орқали санок нуқтасида жойлашган эталон (меъёрий даража) билан қиёслаш жараёнида кўзга ташланади ҳамда меъёрий даражага нисбатан кучайишни ёки кучсизланишни ифодалайди. Интенсивлик даражаси тавсифи нисбий ёки мутлақ кўриниш олади.¹⁰ Нисбий баҳо кўрсаткичи муайян ахборот ташувчидаги аниқ белги даражасига нисбатан қиёслаш ҳисобига ҳосил бўлса,¹¹ мутлақ даража шундай белги хусусиятларига эга бошқа предметларга дахлсизлашган ҳолда намоён бўлади, яъни интенсивлик даражаси нисбий (релятив)¹² ва мутлақ (абсолют)¹³ тарзда ифода этилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Француз ва ўзбек тилларида интенсивлик лексик-грамматик майдонни ҳосил қилувчи лисоний бирликларнинг ифодаланиши» деб номланади.

Француз тилида интенсивлик ифодаси учун хизмат қилувчи тил бирликларини тадқиқ этишда биз тилшунос олим Ф.Брюно томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига суянган ҳолда иш кўрамиз. Ф.Брюнонинг фикрича¹⁴ уларни иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳдан ички воситалар жой олиб, улар таркибига оҳанг, сўзлар танлови, синтетик орттирма даража шакллари (кўшимчалар: *-issime* ва *-âtre*, олд кўшимчалар: *archi-, extra-, hyper-, sur-, super- ultra-*, баъзан кучайтирувчи маъно англлатувчи инкорни билдирувчи олд кўшимчалар *a-, dé-, in-, mal-*) киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳдан ташқи воситалар ўрин олиб, улар қаторига ифода туркумлари, тавсиф такрори (*suppose que moi qui suis un bon garçon, pas joli, joli, mais enfin acceptable, je me permette une peccadille*), миқдор равишлари (*très, fort: très gentille, fort aimable*), миқдор равиши такрорланиши (*tant de plaisir, tant de plaisir*), ҳолат равишлари (*rudement, terriblement, horriblement, diablement*), сифатлар (*fin, beau, bon*), ундов иборалар (*si, tellement, tant, que, comme, combien*), гебраизм (қадимги яҳудий тилида қўлланилган нутқий иборалар): *le roi des rois, le fin de fin, le malin des malins, la ville des villes*), даража тушунчасини *un type* сўзига кўшиш, натижа орқали даражани кўрсатиб бериш (*fou à lier, bête à pleurer*), даража ва чеклов (*cela est vrai jusqu'à une certaine limite*) киради.

Ўзбек тилида интенсивлик лексик-грамматик майдонининг вертикал кесимида интенсивлик маъноси ифодаси учун турли сатҳлардаги хилма-хил тил бириклари иштирок этади. Ифодада улар ўзаро боғланиб, муайян яхлитликни,

¹⁰Галич Г.Г. Градуальные характеристики качественных прилагательных, глаголов и существительных современного немецкого языка. Автореф. дисс. канд. филол. наук. М.: 1981. - С. 17

¹¹Ревенко И.В. Языковая категория интенсивности и её экспликация в идиостиле В.Астафьева. Дисс. канд. филол. наук. Л.: 1978. - С. 38

¹²Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: Сов. энциклопедия, 1966.- С. 288

¹³Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: Сов. энциклопедия, 1966. - С. 27

¹⁴ Brunot F. La pensée et la langue. P.: 1965. - P. 687-694.

майдонни яратадилар. Биз вертикал кесишма бўйича интенсивлик маъноси ифода воситаларининг қуйидаги турларини ажратдик:

1. Кучли, энг кучли даражани ифодалашда интенсивлик категориясининг лексик-грамматик ифода воситалари қаторидан лексик воситалар (*ўта, ниҳоятда, бениҳоя, зоятда, жуда, обдон, зирт, нақадар, энг, беқиёс, тенгсиз, мислсиз, беҳад, бағоят, роса, чексиз ва б.*), бирикмали ифода воситалари (*одам ишонмайдиган даражада, мисли кўрилмаган даражада, жондан азиз, жон жаҳди билан, ақл бовар қилмас даражада ва б.*), такрорий сифатлар (*қип-қизил, қоп-қора, оппоқ, яп-янги, сап-сарик, топ-тоза ва б.*), турғун бирикмада интенсивлик маъносида қўлланувчи сифатлар (*қора, тоза, қаттиқ, ёмон*), сонлар иштирокидаги бирикмалар (*минг бир, юз карра, минг карра, сон мингта, минг чандон ва б.*), сифат + равиш характеридаги миқдор англатувчи кўрсатиш олмошлари (*бунча, шунча, мунча, шунчалик, шунчалар ва б.*), сифатга кўчган отлар (*тилло, пўлат, темир, гавҳар, оҳанграбо*), стилистик троплар (*эшакдай келадиган ит, ўқловдек бўртган томирлар, эркалатишдан сарёгдек эриб кетмоқ, камондан отилган ўқдек учиб кетмоқ, мажлисдан ўладиган бўлиб келмоқ, арчилган шафтолидек бўлиб ваннадан чиқмоқ, еб юборгудай ўқраймоқ ва б.*), фразеологик бирликлар (*авраишда илоннинг оёғини санаган, қамчисидан қон томиб, бурганинг оёғини санаган, танга отса ерга тушмайдиган тўқай, мучалига ел тегмаган олифта, ичкилик деса томдан ўзини ташлайдиган, боши осмонга етди ва б.*) ўрин олади.

- ... Шундан айрим мучалига ел тегмаган олифталарни кўрсам, тепа сочим тикка бўлиб, симёғочдек қалтираб қоламан (Ў.Усмонов, 270).

Ўртача ва кучсиз даражалар ифодасида иштирок этувчи воситалар қаторидан *ўртача, меъёрдаги, номига, иримига, сал, озгина, базўр, кўпроқ, секинроқ, сарғиш, кўкиш, кўкимтир, элас-элас, хиёл* каби бирликлар жой олади.

Зебинисо *хиёл авзойи ўзгарган* эрининг кўнглини овлаш учун янада яқинроқ сурилди:

-Аччиғингиз бурнингизнинг учида туради-я (Й.Сулаймон, 65).

2. Ундов гаплар.

Турли аффектив муносабат ёки ички ҳис-туйғу, хаяжонни ифодаловчи ундов гаплар айни чоғда интенсивлик маъноси ифодаси учун ҳам хизмат қилади. Ундов гапларда оҳанг билан бир қаторда *қандай, қайси, қанақа, нақадар, қанча, неча, шунча, шундай* каби аффективликни кучайтирувчи олмошлар иштироки алоҳида ўрин тутди.

Қандай ширин, қандай ором! (Й.Сулаймон, 76).

3. Эргашган кўшма гаплар

Интенсивлик аниқловчи, равиш, даража-миқдор, ўхшатиш ҳамда натижа эргаш гаплар ёрдамида ифода этилади.

Шундай лаблар борки, кўрганда эсинг оғиб қолади. (Саид Аҳмад, 36)

У зинада кўриниши билан Салтанат жон ҳолатда қўл силкиб, *гўё эрини бир йил кўрмагандек* севиниб кетди ва кўзига ғилт-ғилт ёш олди (Ў.Усмонов, 175).

Тил бирликлари интенсивлик даражаларини ифодалашдаги хусусиятларига кўра ҳар икки тилда қуйидаги уч туркумга ажратилди: эмфасайзерлар

(умумкучайтирувчилар), эмплифайерлар (кучли даражани ифодаловчилар) ва даунтоунерлар (кучсиз даражани ифодаловчилар).

Эмфасайзерлар умумий кучайтириш маъносини ифода этишда хизмат қилади. Улар тоифасига қуйидагилар киради: фр. *actuel, d'actualité, net, fixé, précis, défini, évident, réel, effectif, efficace, franc, sincère, juste, honnête*, ўзб. *долзарб, тигиз, рўй-рост, очиқ-ойдин, аниқ, мукаммал, тугал* ва бошқалар.

Эмплифайерлар, ўз навбатида, максимайзерлар (кучли даражанинг энг юқори нуктаси) ҳамда бустерларга (кучли даража) ажралади. Кучайтирувчиларнинг ҳар икки тоифаси ҳам интензивлик шкаласидаги одатдаги, меъёрдаги поғонадан юқори турган даража кўрсаткичларини белгилайди. Улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, максимайзерлар интензивлик шкаласининг энг юқори даражаси белгиларини ифода этса (фр. *si enorme, si fort, si vite, si plein, bondé, complet, total, integral, entier, entièrement, à plein bord, sous tous les rapports, majorité absolu*, ўзб. *ҳаддан зиёд, ақл бовар қилмайдиган даражада, чексиз мустаҳкам*), бустерлар интензивлик шкаласида юқори даражани акс эттиради (фр. *enorme, fort, vite, vaste, haut, davantage*, ўзб. *тез, улкан, баҳайбат, кенг, олис, оғир, мустаҳкам, ҳашаматли, залворлива б.*).

Даунтоунерлар таркибига компромайзерлар (кучсиз даражанинг озроқ миқдори), минимайзерлар (кучсиз даража), диминишерлар (кучсиз даражанинг энг юқори миқдори), аппроксиматорлар (тахминий миқдордаги кучсиз даража) киради. Компромайзерлар интензивлик шкаласининг пастга қараб бироз ўзгаришини, камайишини акс эттиради (фр. *un peu, légèrement*, ўзб. *кўпроқ, озроқ, тезроқ, сал*).

Интензивлик шкаласида пастга қараб камайишда алоҳида даража кўрсаткичлари бўлиб минимайзерлар хизмат қилса (фр. *en partie, partiellement, un petit peu*, ўзб. *қисман, сал-пал, бироз ва б.*), диминишерлар даражанинг ўта оз миқдорини англатади (фр. *un tout petit peu, à rein*, ўзб. *номига, иримига, хиёл, зўрға, аранг, элас-элас, кўз илгамас ва б.*).

Даунтоунерлар туркумининг сўнгги гуруҳи аппроксиматорлар тахминий миқдордаги кучсиз даражани акс эттирадилар (фр. *presque, à peu près, approximativement*, ўзб. *деярли, айтарли, тахминан ва б.*).

Юқорида қайд этилган тўрт кичик гуруҳ унсурлари интензив тавсифнинг меъёрий даражадан камайиш ҳолатини ифода этади.

Учинчи боб «**Француз ва ўзбек тилларида интензивлик лексик-грамматик майдонининг чоғиштирма тадқиқи**» деб номланади. Ушбу бобда интензивлик лексик-грамматик майдонидан ўрин олган мутлақ ва нисбий микромайдонлари француз ва ўзбек тиллари доирасида чоғиштирилади. Интензивлик категорияси бошқа тиллар қатори француз ва ўзбек тилларига мансуб ономасиологик категориядир. Шу сабабли унинг таҳлили семантик-структуравий йўналишда, яъни мазмундан шаклга қараб таҳлил этишни тақазо этади. Интензивлик категориясининг ономасиологик йўналишдаги чоғиштирма тадқиқи тиллараро муносабатларнинг ўта умумий, умумий, хусусий кўринишлари доирасида шаклланган ўхшаш ва фарқли томонларни тилларнинг мазмун ва ифода планларида муфассал очиб бериш имконини туғдиради.

Чоғиштирма тадқиқот жараёнида майдон бирликлари ядроси асосий структура сифатида, периферия бирликлари эса транспозицион структуралар сифатида кўчирилиши тадқиқот учун қулай ва самарали бўлади. Бунда интенсивлик маъноси ифодасига мойиллашган тил бирликлари асосий структура сифатида олинади. Транпозицион структуралар эса интенсивлик маъноси ифодаси учун ўзга лексик-семантик гуруҳлардан кўчган тил бирликларидан ташкил топади.

Француз ва ўзбек тилларида мутлақ интенсивлик ифодасида субстанция интенсив тавсифида ҳоким сўз – от билан аниқловчили муносабатга киришувчи «от + равиш-кучайтирувчи + сифат» кўринишидаги синтактик бирикма мужассамлиги асосий структурани ташкил этади. Синтактик жиҳатдан ҳоким сўзни сифат ва миқдор жиҳатдан тавсифловчи сифатлар алоҳида боғланиб келувчи тил белгиси – равиш кучайтирувчи воситасида даражалашади ҳамда у билан уйғунлашиб, интенсив тавсиф биригини яратган ҳолда отга тобелашади:

Un fort bel homme, aux gros favoris noirs, entrainé en ce moment, à la suite du domestique. (Stendhal, 169) → Хизматкор эшикни очган эди, унинг ортидан чакка соқоли тим қора, *жуда келишган бир жаноб* кириб келди. (Стендаль, 138)

Келтирилган мисолдаги мужассам синтактик бирикма француз ва ўзбек тилларида тенг ажратилиб, ҳар икки тилда ташқи интенсив тавсиф кузатилади. Аниқловчилик француз тилида мослашув асосида шаклланса, ўзбек тилида битишув асосида юзага келади.

Ифодада тиллардаги тавсифловчи бирикма ҳоким сўзга нисбатан француз тилида препозитив, ўзбек тилида эса постпозитив позицияларда келади.

Француз тилида субстанция интенсив тавсифи воситалари доирасида «от + предлог + от» предлогли бирикмаси кузатилади. Француз тилидаги интенсив тавсиф ифодасининг ушбу типи махсус стилистик восита ҳисобланиб, алоҳида даража кўрсаткичини тавсифлаб белгилайди. Ушбу бирикмада биринчи от миқдор даражаси кўрсаткичини тавсиф белгиси сифатида номлайди ва иккинчи от хусусиятини очиб бериш учун хизмат қилади. Бундай ҳолат ўзбек тилида кузатилмайди:

Qui pourra décrire l'excès du bonheur de Julien ? (Stendhal, 376) → *Жюльеннинг чексиз қувончини* ким ҳам тасвирлай оларди дейсиз? (Стендаль, 347)

Ифода воситасининг ушбу типи нафақат объектив интенсивлик доирасида, шунингдек, аффектив интенсивлик кўламида ҳам кузатилади:

J'ai su me faire aimer de ce monstre d'orgueil ajoutait-il en regardant Mathilde; son père ne peut vivre sans elle, et elle sans moi. (Stendhal, 459) → Мен манави *иблисдек мағрур қизни* ўзимни севишга мажбур этдим, - дея ўйларди у Матильдага қараб-қараб қўяр экан, - отаси усиз яшай олмайди, унга эса ёруғ дунё менсиз қоронғи кўринади. (Стендаль, 432)

Француз тилида *extrême, parfait, excellent* сифатларининг отлар билан бирикуви элатив интенсив тавсифни юзага келтиради. Чунки уларнинг маъно таркибида тавсиф семаси билан бир қаторда элатив даража семаси ҳам ажратилади:

L'extrême timidité de madame de Rênal était déconcertée par l'idée de cet étranger, qui, d'après ses fonctions, allait se trouver constamment entre elle et ses enfants. (Stendhal, 45) → Қандайдир бегона одамнинг ўз вазифасига кўра доим у билан болалари ўртасида ғов бўлиб туриши ҳақидаги фикр *табиатан зоят тортинчоқ* бўлмиш де Реналь хонимнинг руҳини тушириб юборганди. (Стендаль, 32)

Француз тилидаги икки бўлакчи сўз бирикмаси таржимада ўзбек тилидаги структура жихатидан уч бўлакчи сўз бирикмасига монандлашади. Чунки француз тилидаги тавсифловчи сифатлар бўлинувчанлик хусусиятига эга бўлиб, тавсифловчи ва интенсивлик маъноларини ўзида мужассамлаштиради. Ўзбек тилида эса тавсиф ҳамда интенсивлик учун алоҳида тил бирликлари олинади. Оқибатда, тиллараро ўзаро фарқ шаклланади. Бу кўпроқ интенсив тавсифнинг элатив даражасига хосдир.

Юқорида қайд этилган хослашган шакл билан бир қаторда ўзбек тилида интенсивлик маъноси ифодаси учун ёйиқ тасвирий ифода воситалари ҳам хизмат қилади:

Mais bien souvent tous ces beaux raisonnements étaient sans effet contre *l'affreuse réalité*. (Stendhal, 429) → Бироқ бу ажойиб мулоҳазаларнинг бари *тоқат қилиб бўлмас даражадаги оғир воқелик* олдида мутлақо ожиз бўлиб чиқарди. (Стендаль, 400)

Субстанция тавсифи предикатив квалификатив тус олиши ҳам мумкин. Бунда субстанция ҳамда интенсив тавсиф бирикмаси предикатив муносабат орқали боғланади:

L'obscurité у *était profonde*. (Stendhal, 71) → *У ер қоп-қоронғи эди*. (Стендаль, 52)

La nuit était forte noire. (Stendhal, 233) → *Тун қоп-қоронғи эди*. (Стендаль, 206)

Француз ва ўзбек тиллари ўртасидаги фарқ кўп ҳолларда француз тилидаги субстанция предикатив интенсив тавсифининг ўзбек тилида иш-ҳаракати интенсив тавсифи орқали берилишида кузатилади:

Le café est très en usage Paris: il y a un grand nombre de maisons publiques où on les distribue. (Montesquieu, 112) → Парижда *қаҳва жуда кўп истеъмол қилинади*: уни кўплаб жамоа уйларида тайёрлаб, тарқатадилар. (Монтескье, 62)

